

## **Ватан эркинлиги учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша барҳаёт**

Ўтганларнинг хотирасига бош эгиш, уларнинг руҳини шод этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Мамлакатимизда Президентимиз фармони билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланаётгани уруш қатнашчилари ва ногиронларига кўрсатилаётган беҳад ҳурмат-иззатнинг ёрқин намунасидир

Бугунги тинчлик дориломон кунларнинг шу маънода ҳам қадрига етишимиз керак. Минг афсуски, ҳозир ҳам қаерлардадир қирғинбарот урушлар, келишмовчиликлар давом этаяпти. Шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо.

Чиндан ҳам ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимиздаги тинчликка, барқарорликка, улкан бунёдкорлик ишларига дунёнинг жуда кўп ҳудудларида ҳавас билан қаралаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртимизда инсон ва унинг ҳуқуқлари изчил ҳимоя қилинаяпти. Қарияларини қадрлаган, эъзозлаган, уларнинг ўгити, панд-насихатларини азиз билган эл ҳеч қачон кам бўлмайди, дейишади.

Истиқлол шарофати билан юртимизда ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, бугунги тинч, осойишта кунларда она-Ватанимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, нуруний отахону онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш эзгу анъанага айланди.

Ёши улуғ кексалар онгида йиллар сурури, яқин ўтмишнинг ёрқин хотираси мавжуд. Шу боис бўлса керак ёшлар тарбиясида, уларнинг маънавий баркамоллигида ота-боболаримиз ўғит ва насихатлари юксак маъно ва мазмун касб этади. Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қари бор уйда барака бўлади”, деган ибратомуз гаплар борлиги ҳам ўтмиши буюқ, аждодларининг бой маънавий мероси билан ғурурланиши мумкин бўлган миллат эканлигимиздан далолат беради.

Ўтганлар руҳини ёд этиш, тирикларга меҳр-оқибат кўрсатиш қадрият, қолаверса ҳар бир инсоннинг бурчи, вазифаси саналади. Мана шу эзгу фазилатлар 9 май — “Хотира ва қадрлаш” куни санаси муносабати билан янада ёрқин намоён бўлмоқда. Дарвоқе, дунёда иккинчи жаҳон уруши даҳшатларининг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган кишилар сафи тобора камайиб бормоқда. Уларни йўқлаш, қадрлаш биз авлодларнинг бурчимиз ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, ёшликнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жанггоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати беқиёсдир. Фашизм устидан қозонилган ғалабага бу йил

71 йил тўлади. Ана шу воқеалар, кечган оғир кунлар ёди бугун нафақат уруш қатнашчилари, балки бутун авлодлар хотирасидан ҳали ҳамон ўчгани йўқ.

Шу сабаб юртимизда ҳар йили 9 май – “Хотира ва қадрлаш” куни муносабати билан улар жасорати яна бир бор тилга олинади. Ўтганлар ёдга олиниб, орамизда ҳаёт кечираётган уруш фахрийларига ҳурмат бажо келтирилади. Қолаверса, хотира ва қадрлаш тушунчаси кенг маънода истиқлолимиз, бугунги фаровон кунлари учун жон фидо этган юрт фарзандларини хотирлаш, ҳаёт бўлганларни эса эъзозлаш демак ҳамдир.

Инсон инсонга малҳам дейишади. Бу файласуфона гапнинг замирида бир-биримизга кўрсатаётган эътибор, меҳр-муҳаббат каби эзгу тушунчалар мавжуд. Аслида бу каби эзгу кўникмалар қон томиримизга сингиб кетган ўзлимизнинг бир кўриниши, холос. Олтин меросини, тарихини қадрлайдиган ёшлари бор юртнинг келажаги ўтмиши каби буюк бўлади. Биз авлодлар дунёда тинчлик барқарор бўлишини тилаган ҳолда, улар жасорати олдида ҳамisha таъзимдамиз.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни. Бу сана халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаш, ўтганларнинг хайрли ишлари ва жасоратини ёдга олиш, ер юзида тинчлик ва барқарорликка муносиб ҳисса қўшган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали фаолият олиб борган, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутаётган нурунийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш айёми сифатида ҳаётимиздан ўрин олган.

Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимиздаги энг муҳим байрамлардан биридир. Хотира, меҳр-оқибат, кадр-қиммат, рамзи бўлган ушбу қутлуғ кунда ёшликнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жангоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасоратини ёдга оламиз.

Ўтаётган бугун эртага тарихга айланади. Кун давомида амалга оширилган ишлар маълум маънода келажакка замин яратади. Бугун халқимиз тақдирида рўй берган ғоят масъулиятли давр истиқлол олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси ҳам ёдланаяпти. Бугунги нурафшон кунларнинг қадрига етиб, эртанги кунимизга қатъий ишонч билан қарашимиз зарур.

Бугун бу юртда инсон қадри - азиз. Ислоҳоту имкониятлар, обод турмушу фаровон ҳаёт барчаси инсон учун. Яна хотиржам яшаш, ҳаётдан кўнгили тўлиб умргузаронлик қилиш - улкан бахт. Дилга яхшиликни туйиб, ўзгаларга меҳр улашиб, ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт қорига яраб яшасак, кифоя.